O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Миллий тикланиш — миллат келажаги

MILLIY TIKLANISH

2006-yil, 7-iyun, chorshanba, 23 (353)-son.

Gazeta 1995-yil, 10-iyundan chiqa boshlagan

Haftalik gazeta

O'zbekiston "Milliy tiklanish" demokratik partiyasining ijtimoiy, siyosiy, iqtisodiy gazetasi

«МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ» 11 ЁШДА

УСТОЗЛАР САБОҒИ — ЁШЛАРГА ЎРНАК

Партиямиз ташкил этилганлигининг 11 йиллигига бағишлаб бир қатор тадбирлар ўтказилмоқда. Пойтахтимизнинг энг сўлим масканларидан бўлмиш Ғафур Ғулом номидаги маданият ва истироҳат боғида ана шундай тадбир бўлиб ўтди.

Шу куни боғнинг файзига файз қўшилди. Дарвозадан кираверишда янграётган карнай-сурнай садолари тантана бошланганлигидан дарак берарди. Партия фаоллари ва меҳмонлар ўзбекона лутф билан кутиб олинди.

Партия Марказий Кенгаши ҳамда партиянинг Тошкент шаҳар кенгаши ташаббуси билан ёшлар ўртасида спорт мусобақалари ўтказилди. Спортнинг теннис, эркин кураш, шахмат-шашка турлари ким эпчилу ким чаққон эканлигини аниқ-равшан кўрсатиб берди. Эркин кураш бўйича 54 кг вазн тоифасида майдонга тушган Шукур Абдумуталиев, 38 кг вазнда Отабек Холматов, 26 кг вазнда Шохруҳ Муҳаммадовлар ғолибликни қўлга киритдилар. Югуриш беллашувида Алимардон Мирюсуповга етадигани топилмади. Арқон тортишда Камолиддин Раҳимбердиев ҳаммадан кучли эканлиги аниқ бўлди. Теннисда Югай Артёмнинг эпчиллиги ҳаммани ҳайратга солган бўлса, зукколар беллашуви бўлган шахмат-шашка баҳси ҳам ниҳоятда қизғин ўтди. Никита Хорошев шахматда, Фарҳод Тешабоев шашкада пешқадам бўлдилар.

ЎзМТДП Марказий кенгаши «Ёшлар қаноти» мутахассиси Акмал Рўзитоев Тошкент шаҳридаги 260, 178, 163-мактаблар ва Ўрта Чирчиқ туманидаги 9-мактабнинг беллашувларда ғолиб бўлган спортсевар ўқувчиларини Марказий кенгаш таъсис этган медал ва фахрий ёрлиқлар билан тақдирлади.

Боғнинг шовқин-суронли, болаларнинг шодон овозлари янграб турган йўлакларидан ўтиб, саҳнада миллий кураш бўйича ўтказилаётган беллашувни ҳам кузатдик. Боғ ўртасидаги оролчага элтадиган кўприк орқали ўтиб борар эканмиз, миллий ҳунармандчилик намуналари, қўли гул каштачилару чеварларнинг ишлари, мисгарлар томонидан яратилган қадимий осори-атиқаларимиз, қатор рўзғор анжомларини кузатдик. 73 ёшли Санталатхон ая Сиддиқова тўплаб юрган уй-музейи экспонатларини ҳам томоша қилдик. Аянинг миллий буюмларимизни асраб-авайлашга ихлос қилганларидан ниҳоятда таъсирландик. Мавриди келганда Тошкентнинг «Чўпон ота» даҳасига бориб, уларнинг суҳбатларидан баҳраманд бўлишни дилимизга тугдик.

Шу куни китобсеварлар учун китоб кўргазмаси ташкил этилди. Унда турли мавзулардаги қизиқарли, оммабоп адабиётларни, буюк мутафаккирлар, ҳозирги замон шоир ва ёзувчилари, ҳуқуқшунос, файласуфларнинг ижод намуналарини харид қилиш имкониятлари яратилди. Тадбир иштирокчилари бир жойга жамландилар. Йиғилганларни Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси Марказий кенгаши раиси, партиянинг Парламентдаги фракция раҳбари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Ахборот ва коммуникация технологияси масалалари қўмитаси раиси Хуршид Дўстмуҳамедов партиямизнинг 11 йиллиги билан самимий қутлаб, ўтган давр мобайнида сафдошларимиз сони 68 мингдан ошиб кетгани, уларнинг орасида турли хил касбдаги зиёлилар ва ёшлар, аҳолининг барча қатламлари вакиллари борлигини мамнуният билан маълум қилди. Нотиқ партия фаоллари ва фахрийлар номини эҳтиром билан тилга олди.

ЎзМТДП ташкил этилган дастлабки даврда партияга етакчилик қилган академик олим Азиз Қаюмов партия тарихига назар ташлаб, бугунги ўтиш даврида Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси фаолият олиб бораётганининг ўзи ҳаётий зарурат эканлигини таъкидлади ва сафдошларимизни анъанавий байрам билан табриклади.

Ўзбекистон Қаҳрамони, таниқли актёр Зикир Муҳаммаджонов миллий санъатимиз ривожида устозлар салоҳияти катта ўрин тутиши ҳақида гапирди. Ўзбекистон халқ ёзувчиси Худойберди Тўхтабоев, фахрий спорт шарҳловчиси Ахбор Имомхўжаев, Ўзбекистон халқ артисти Муяссар Раззоқова, Ўзбекистон халқ ҳофизи Ҳасан Ражабийлар устоз-шогирдлик анъаналарини давом эттириш ёшлар келажаги учун ниҳоятда зарур эканлиги ҳақида гапиришди.

Фахрийларимизга ўзбекона удумга кўра тўн кийдирилди ва эсдалик совғалари топширилди. ЎзМТДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари, девон раҳбари Хайринисо Мирзажонова сафдошлар ва хайрихоҳларимизни байрам муносабати билан қизғин муборакбод этди. Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси директори Абдусалом Умаров, партиянинг Наманган вилоят кенгаши раиси Пахритдин Шарипов, ЎзМТДП Тошкент шаҳар кенгаши «Аёллар қаноти» раиси Холида Очилова, партиямиз фахрийларидан Муборак Юнусхўжаева, Қумри Абдуллаева, партиянинг Тошкент шаҳар Миробод туман кенгаши раиси Роберт Шарипов, ЎзМТДП Сирдарё вилоят кенгаши раиси Маматқул Бозорбоев, «Муштум» журнали бош муҳаррири Ашурали Жўраевлар сўзга чиқишди. Республика «Байналмилал» маданият маркази директори ўринбосари Муножот Нурматовага партия номидан эсдалик совғалари топширилди.

Ҳар бир тадбирда ёшларимизга партия гувоҳномаларини топшириш анъана бўлиб қолди. Бу сафар ҳам бир гуруҳ ёш сафдошларимизни унутилмас сана билан қутлаб, аъзолик гувоҳномалари топширилди.

Байрамни концерт дастурисиз тасаввур этиш қийин. Навбат болажонларга берилди. Пойтахтнинг Ҳамза туманидан келган кичик ёшдаги тарбияланувчилар миллий либослари, шўх-шодон рақслари билан қалбларимизга нур улашди. Ўзбекистон халқ артисти Қодир Мўминов раҳбарлигидаги «Ўзбекистон» халқ рақс ансамблининг рақҳоса қизлари ижросидаги миллий рақслар эса дилларга хушнудлик бахш этди. Беназир опера устаси Муяссар Раззоқова Ж.Верди операсидан парча, унинг шогирди Саида Мамадалиева эса ўзбек операсидан намуна ижро этди. «Ниҳол» мукофотининг совриндорлари, ёш эстрада қўшиқчиларимиз Аброр Парпиев, Дилшод Раҳмоновлар ҳамда мумтоз қўшиқларимизнинг моҳир ижрочилари Ҳасан Ражабий ва Ҳилола Ҳамидова ижросидаги қўшиқлар ҳам барчага манзур бўлди.

«Шоввозлар» гуруҳи эса қисқа юмористик талқиндаги саҳна кўринишлари билан даврадагиларга табассум ҳадя этди. Қуролли кучлар ансамбли хонандаси Зафар Бобожонов Хоразмнинг машҳур лазгисини ижро этди. Партия фаоллари тадбир кўтаринки кайфиятда ўтганлигидан руҳланиб, бундай йиғилишларни тез-тез ўтказиб туриш ҳар томонлама фойдали эканлигини таъкидлашди.

Насиба ОЧИЛОВА,
ЎзМТДП Марказий кенгаши мутахассиси.

«МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ»ГА ОБУНА ДАВОМ ЭТАЁТИР. НАШР КЎРСАТКИЧИМИЗ — 158.

ФАОЛЛАР ТАШАББУСИ

1 июнь — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни муносабати билан ЎзМТДП Навоий вилояти кенгаши ташаббускорлигида «Истиқлол чечаклари» танлови бўлиб ўтди.

* * *

ЎзМТДП Қашқадарё вилояти ҳамда Қарши шаҳар кенгашлари ташаббуси билан Қарши муҳандислик иқтисодиёт институтида «Мустақиллик ва Конституция ҳимояси — ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиз» мавзуида давра суҳбати ўтказилди.

* * *

Партиянинг Бухоро туман кенгаши Бухоро вилояти Байналминал маданият маркази билан ҳамкорликда Галаосиё шаҳрида «Ўзбекистон — ҳур Ватаним менинг» номли фестивал ўтказди.

* * *

ЎзМТДП Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши ташаббуси билан Чимбой ва Қўнғирот туманларида «Ўзбекистон — Ватаним менинг» қўшиқлар танлови бўлиб ўтди.

* * *

ЎзМТДП Қашқадарё вилояти кенгаши ҳамда партиянинг Деҳқонобод туман кенгаши ташаббуси билан туман халқ таълими бўлимида Президентимизнинг Ўзбекистон Республикаси Сенатининг бешинчи ялпи мажлисидаги маърузасидан келиб чиқадиган вазифалар юзасидан давра суҳбати ўтказилди.

* * *

ЎзМТДП Наманган вилоят Норин туман кенгаши туман ижтимоий таъминот бўлими билан ҳамкорликда «Саломатлик — туман бойлик» мавзуида аёллар ўртасида стол тенниси бўйича мусобақа ўтказди.

* * *

ЎзМТДП Сурхондарё вилояти Музработ туман кенгашида «Кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари» мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.

* * *

Партиянинг Сирдарё вилоят Сайхунобод туман кенгашида «Шу азиз Ватан барчамизники!» мавзуида учрашув ўтказилди.

* * *

ЎзМТДП Хоразм вилоят кенгашида Президентимизнинг «Аҳоли ўртасида олиб борилаётган маънавий-маърифий ва тарғибот-ташвиқот ишларининг таъсирчанлиги ва самарасини оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори асосида йиғилиш ўтказилди.

* * *

Қашқадарё вилояти партия кенгаши фаоллари иштирокида Муборак туман халқ таълими бўлимида «Ҳомийлик — миллийлик кўзгуси» мавзуида давра суҳбати уюштирилди.

* * *

ЎзМТДП Жиззах вилояти Арнасой туман кенгашида «Партиянинг тарғибот-ташвиқот ишларида туман кенгашлари ва бошланғич партия ташкилотлари раислари зиммасидаги масъулият» мавзуида давра суҳбати ўтказилди.

* * *

Қорақалпоғистон Республикаси партия кенгаши Тўрткўл туман кенгаши билан ҳамкорликда тумандаги истироҳат боғида «Хайр, мактабим» мавзусида тадбир ўтказди.

ЎзМТДП Марказий Кенгаши матбуот хизмати.

ФРАКЦИЯ ЙИҒИЛИШИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси фракциясининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди. Унда партия фаоллари ҳам иштирок этишди.

Йиғилишни фракция раиси Хуршид Дўстмуҳамедов қисқача кириш сўзи билан очиб, кун тартиби билан таништирди.

Кун тартибидаги биринчи масала — партия ташкил этилганлигининг 11 йиллиги муносабати билан галдаги вазифалар ва бу борада фракциянинг ўрни мавзуида фракция аъзоси О.Ўсаров ахборот берди. Кейин Олий Мажлис Қонунчилик палатаси муҳокамасига киритилган «Микромолиялаш тўғрисида» (биринчи ўқиш), «Ўзбекистон Республикасининг «Экспорт назорати тўғрисида»ги Қонуни 9-моддасига қўшимча киритиш тўғрисида» (биринчи ўқиш), «Солиқ маслаҳати тўғрисида» (иккинчи ўқиш), «Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизими такомиллаштирилганлиги ҳамда уларнинг молиявий жавобгарлиги эркинлаштирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» (иккинчи ўқиш), «Микрокредит ташкилотлари тўғрисида» (биринчи ўқиш) каби қонун лойиҳалари муҳокама этилди.

Фракция аъзоси У.Исмоилов «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг Наманган вилоятидаги ижроси якунлари бўйича маълумот берди.

Йиғилиш иштирокчилари томонидан кўрилган масалалар бўйича атрофлича фикр-мулоҳазалар билдирилди ва кўрилган масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

Партия матбуот хизмати.

Долзарб мавзу

Маълумки, экин майдонларини ҳақиқий эгаларига — фермерларга топшириш, айрим туманларда фаолият юритаётган бир-икки ширкат хўжалигини ҳисобга олмаганда ниҳоясига етмоқда. Масалан, жорий йилда биргина Самарқанд вилоятида 58 та ширкат хўжалиги тугатилиб, ерлар тендерда ғолиб топилган 1929 фермерга тақсимлаб берилди. Мева-сабзавотчилик ҳамда узумчиликка ихтисослашган 43 та хўжалик негизида ҳам фермер хўжаликлари ташкил этилди. Илгари етиштирилган пахта ҳосилини шартнома асосида сотиш, ундан чиқадиган истеъмол ва чорвабоп маҳсулотлардан ўз улушини олиш билан ширкат хўжаликлари раҳбарлари шуғулланиб келишган. Энди бу юмушни ким амалга оширади? Хусусан, пахта ёғи, шелуха ва кунжарасини олиш учун завод дарвозаси олдида минглаб техника воситалари қаторлашиб кетмайдими? Тонналаб, 50-60 кило юк учун келувчилар сарсон-саргардон бўлишмайдими?

«КАТТАҚЎРҒОН ЁҒ-МОЙ» МОНОПОЛ КОРХОНАМИ?

Ҳа, шундай бўлиши тайин эди. Аммо ҳукуматимиз қарорига кўра, Иқтисодиёт вазирлиги, «Ёғмойтамакисаноат», «Ўзпахтасаноат» ва Фермер хўжаликлари уюшмалари келишган ҳолда бу борадаги барча муаммоларни бартараф этди. Масалан, «Каттақўрғон ёғ-мой» очиқ ҳиссадорлик жамиятининг шохобчалари бевосита туманларнинг ўзида очилди. Маҳсулотлар шартнома асосида, белгиланган тартибда фермерларга етказиб берила бошланди.

Биз жамиятнинг Челак шохобчаси мудири Абдуғаффор Маҳкамов билан суҳбатлашдик. У киши 1118 фермерга хизмат кўрсатилаётганлигини айтди. «Челак пахта заводи» корхонаси томонидан 2005 йил ҳосили ҳисобидан «Каттақўрғон ёғ-мой» заводига 16768 тонна саноатбоп чигит юборган. Ҳозир қайтарилиши лозим бўлган маҳсулот белгиланган жадвал асосида ойма-ой етказиб келтирилмоқда. Тумандаги Пайариқ шохобчасида ҳам ишлар намунали ташкил этилган. «Эшмурод ота», «Мурод бобо» сингари қатор фермер хўжаликлари раҳбарлари билан суҳбатлашиб ана шундай хулосага келдик.

Иштихон туманида ҳам ушбу ёғ-мой заводининг Азамат ва Халқобод шохобчалари ишлаб турибди. Мудирлар — Убайдулло Сапаров, Қосим Аҳмедовлар фермерлар мушкулини осон қилишга интилмоқда. Оқдарё туманидаги шохобча мудири Абдураззоқ Бўтаев ҳам фермерлар билан тузилган шартнома шартларини, маҳсулот билан таъминлаш графигини бажариш устида тинмай ишламоқда. Лекин...

(Давоми 2-бетда)

ТАЖРИБА — КАТТА БОЙЛИК

Устоз-шогирдлик қадим қадриятларимиздандир. Бугунги ҳаётимизнинг исталган соҳасида ушбу анъана мавжуд.

Бугун таълим-тарбия сифатини оширишда устоз-шогирдлик масаласи тарғиботини кенгайтириш кун тартибига чиқди. Зеро, устоз шогирднинг маънавий ҳаётини шакллантирувчи шахсдир. Устоз шахси, билими, малакаси, маънавияти, маданияти шогирдлар дунёсига асосий таъсир кўрсатувчи воситадир, десак янглишмаган бўламиз.

Устозлар маънавий-маърифий ва ахлоқий тарбиянинг муҳим омиллари ҳисобланган меҳнат, пухта мулоқот, фаол ўқишдан иборатлигини яхши билишлари аниқ. Устоз меҳнати ҳар бир талабанинг ўз мутахассислиги юзасидан фан асосларини эгаллашини таъминлаш билан бирга, уларда маънавий дунёқараш, кўникма ва малакаларни шакллантириш ҳамда такомиллаштиришга қаратилган бўлади. Бугунги кунда улар олдида турган муҳим вазифалардан бири, табиийки, ёшларда мустақил тафаккурни ўстириш, бойитиш, ёшларни миллий истиқлол ғояларига содиқлик руҳида тарбиялашдир. Булар эса маънавий-маърифий тарбия ишлари, аниқ тадбирлар тизимида ўз ифодасини топиши аниқ. Устоз аниқ билиш керакки, бугунги даврда қизиқарли, таъсирчан, самарали тадбирларгина кўзланган мақсадларга олиб боради.

Ҳаётий тажрибаси катта, халқона тилда айтганда «кўпни кўрган, кайвони» кишилар сифатида устозлар тўғри маслаҳатлари билан ёшларнинг дўстига айланадилар.

Туйғун ХОЛМАТОВ,
ЎзМТДП Қарши шаҳар кенгаши аъзоси.

МАҲАЛЛА — ВАТАН ИЧРА ВАТАН

САЙЛОВНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Маҳалла ўзини ўзи бошқарувчи ижтимоий ташкилот сифатида мамлакатимизда азалдан мавжуд бўлган. Халқимиз асрлар давомида маҳалла йиғини орқали жамоатчилик фикрини аниқлашнинг ҳамда бирдамлик кўрсатишнинг ўзига хос усулларини шакллантириб, миллий ўзлигини, қадриятларини асраб-авайлаб келмоқда.

Мустақилликка эришгач, маҳалла институтини ривожлантириш, унинг роли ва ваколатини кенгайтиришга жиддий эътибор қаратилди. Истиқлол йилларида маҳалланинг том маънодаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига айланиши учун зарур имкониятлар яратилди, тегишли ҳуқуқий кафолатлар белгиланди. Зеро, маҳаллани ислоҳ қилиш ва такомиллаштириш фуқаролик жамиятини барпо этишнинг нафақат шарти, балки муҳим воситасидир. Бош қонунимиз — Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 105-моддасида «Шаҳарча, қишлоқ ва овулларда, шунингдек, улар таркибидаги маҳаллаларда ҳамда шаҳарлардаги маҳаллаларда фуқароларнинг йиғинлари ўзини ўзи бошқариш органлари сайлаш тартиби, фаолиятини ташкил этиш ҳамда ваколат доираси қонун билан белгиланади» дейилган.

1999 йил 14 апрелда қабул қилинган янги таҳрирдаги «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонуни бу соҳадаги ислоҳотларнинг асосийси бўлди ва у ўзини ўзи бошқариш органларининг мақомини, асосий йўналишларини белгилаб берди. Бу ҳужжат ўзини ўзи бошқариш органлари раиси (оқсоқоли) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ҳам қонуний жиҳатдан тартибга солиб туради, ҳуқуқий кафолатлайди.

«Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги қонуннинг қабул қилиниши ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мустаҳкамлади. Қонуннинг 3-моддаси биринчи қисмида «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови демократизм, ошкоралик ва тенг сайлов ҳуқуқи асосида ўтказилади» дейилган. Бу принциплар ҳуқуқий давлатда ўзини ўзи бошқариш жараёнида асосий мезон вазифасини ўтайди, сайловларнинг қонуний ва адолатли ўтишини таъминлайди. Шунингдек, қонунда сайловни ташкил этиш ва ўтказишга кўмаклашувчи комиссиялар тузиш ва уларнинг ваколатлари ҳам белгилаб қўйилган бўлиб, бундан ташқари, сайлов жараёни ўтишини таъминловчи ишчи гуруҳи тузилиши, уларнинг ваколатлари ва мақоми ҳам кўрсатилган.

Қонун бўйича сайловлар ўтиши ва уларнинг натижалари бўйича шуғулланиш учун камида уч кишидан иборат таркибда саноқ комиссияси тузилиши ҳамда уларнинг фаолият дастури белгиланганлиги ушбу қонуннинг айни кундаги имкониятларини ва долзарблигини намоён этади. Қонуннинг 29-моддасида ёзилишича: «... сайлов натижалари асосида фуқаролар йиғини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда фуқаролар йиғини кенгашини шакллантиради, фуқаролар йиғини тафтиш комиссиясини, шунингдек, маъмурий комиссияни сайлайди» дейилган. Кўриниб турибдики, сайлов жараёнининг ўтиши ҳамда сайланган вакиллар нинг кейинги ҳолатлардаги фаолияти босқичма-босқич амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2006 йил 4 апрелдаги «Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги қарорининг қабул қилиниши бу йўналишда амалга ошириладиган чора-тадбирларга аниқлик киритди. Амалдаги фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчиларининг ваколат муддати тугаши муносабати билан шу йилнинг май-июн ойларида фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови ташкил этилиши ҳамда ўтказилишини Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари таъминлайди. Ҳеч бир давлатда учрамайдиган бундай шарқона ҳудудий ўзини ўзи бошқариш нафақат маҳалла раислари, балки маслаҳатчиларини ҳам сайлов йўли орқали сайлаб, қонуний фаолият юритишларини таъминлайди. Республикамиз тарихида бундай қонуний меъёрлар илгари бўлмаганлиги ва бу ҳолатнинг янгилик эканлиги маҳалла нуфузини кўтаришга хизмат қилади аслида.

Маҳалла Ватан ичра кичик бир Ватандир. Юртнинг эртанги умидлари, келажаги бўлган ёшлар маҳаллада камол топади. Хонадонлар ободлиги ва оилалардаги тинчлик-тотувлик ҳам Ватан истиқболи учундир. Шундай экан, маҳаллаларга берилаётган эътиборни ҳар биримиз қўллаб-қувватламоғимиз ва сайловда фаол иштирок этмоғимиз керак.

Азимжон АБДУЛЛАЕВ,
ҳуқуқшунос.

• *Фикр*

ИСЛОҲОТ, САМАРА, ЯКУН

Республикамиз агросаноат мажмуини ривожлантириш давлатимиз иқтисодиётининг устувор вазифаси ҳисобланади. Мамлакатимизда амалга оширилаётган аграр ислоҳотларнинг асосий мақсади мавжуд ер-сув ва меҳнат ресурслари, иқтисодий ва интеллектуал салоҳиятлардан самарали фойдаланиш ҳисобига мулкчилик шакллари тизимини такомиллаштириш орқали қишлоқ аҳолисининг турмуш даражасини ошириш ва фаровонлигини яхшилашдан иборат.

Қишлоқ хўжалиги ва у билан боғлиқ муаммолар ечимлари жойлардаги иқтисодий ислоҳотларнинг натижаларига боғлиқ. Тармоқда ишлаб чиқариш унумдорлигидан олинадиган даромад ва фойданинг кўп бўлиши аҳоли турмуш тарзини яхшилаш билан бир қаторда иқтисодиётнинг ўсиш суръатларини белгилаб беради. Иқтисодиётни хусусийлаштириш жараёни эса мавжуд иқтисодий вазиятни ўзгартиришда ва унинг ижобий томонга силжишида катта рол ўйнамоқда.

Қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш ва фермер хўжаликларини қўллаб-қувватлаш бўйича мамлакатимиз раҳбари белгилаб берган устувор вазифалар асосида босқичма-босқич амалга оширилаётган чора-тадбирлар соҳани қолоқликдан чиқарибгина қолмай, ўзининг ижобий самарасини ҳам бермоқда. Масалан, 2005 йилнинг биринчи чорагидаёқ сут — 5,8 фоиз, гўшт — 6,6 фоиз, тухум — 2,6 фоиз, сабзавот — 14,4 фоиз кўп етиштирилди. Маҳсулотнинг энг муҳим турлари — пахта, пилла, каноп, мева ва сабзавот, узумнинг мукаммал қайта ишланишини таъминлашга, енгил саноатнинг бу билан боғлиқ тармоқларини ривожлантиришга алоҳида аҳамият берилмоқда.

Янги қайта ишловчи замонавий қувватларнинг барпо этилиши кўп меҳнат талаб қиладиган ип йигириш, тўқиш ва пардозлаш тармоқларини, трикотаж, тўқимачилик саноатини ривожлантириш, тайёр маҳсулотлар хилини кенгайтириш учун кенг имкониятлар яратади. Бу борада республикамизда режа асосида муайян ишлар амалга оширилмоқда. Шу билан бирга, қишлоқ жойларида мева ва сабзавот маҳсулотларини қайта ишлайдиган замонавий кичик корхоналарни кўпайтириш давр талабидир. Соҳадаги исрофгарчиликнинг олдини олиш бўйича прокуратура, солиқ ва божхона фаолиятини такомиллаштиришга эришиш лозим. Республикамизда, айниқса, Сирдарё, Жиззах, Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларида боғдорчилик, мевачилик, чорвачилик соҳаларини ривожлантириш мақсадида янги ерларни ўзлаштиришга алоҳида эътибор бериш муҳим, деб ҳисоблайман.

Ерларимиз унумдор бўлса, уларда мўл ҳосил етиштирилса, ишлаб чиқаришни интенсивлаш, хомашёни қайта ишлаш билан шуғулланиш учун чет эл сармоялари ҳам кириб келиши бундан-да кўпаяди.

Рустам УЛУҒОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси тингловчиси.

«КАТТАҚЎРҒОН ЁҒ-МОЙ» МОНОПОЛ КОРХОНАМИ?

Долзарб мавзу

Лекин шуни ҳам очиқ айтишимиз керакки, «Каттақўрғон ёғ-мой» ҳиссадорлик жамияти таъминотидан фермерларнинг барчаси бирдай рози эмас. Бу маҳсулотларнинг етказиб берилишида узилишлар бўлаётгани, тегишли идоралар томонидан белгилаб берилган режаларнинг бажарилмай қолиш ҳоллари билан бевосита боғлиқдир. Масалан, ўтган йилнинг охирги ойларида ёғ-мой заводи 35 кун ишламади. Шартнома шартлари эса бузилди. Фермерларни маҳсулот билан таъминлаш тўғрисида эса ҳеч ким ўйламади. Натижада шартномалар асосан заводлар томонидан бажарилмай қолмоқда ёки кечикиб ижро этилмоқда. Бундан фермер кўпроқ озор чекмоқда.

Уларнинг идорама-идора сарсон бўлиб юришларида банкларнинг ҳам айби бор. Фермерга тегишли бўлган маблағ операциялари баъзан пайсалга солинмоқда. Заводга ўз вақтида ўтказилмаган пул маҳсулотнинг графикда белгиланган муҳлатда шаҳобчага олиб келинмаслигига сабаб бўлмоқда.

(Давоми. Боши 1-бетда)

Илгари кўпчилик мижозлар «Каттақўрғон ёғ-мой» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятини монопол корхона, шу боис у ўзи хоҳлаганича ишлайди, мижозлар билан кўп ҳисоблашавермайди, дейишарди. Бугун бундай дейишга асос йўқ. Сабаби, ушбу жамиятга муносиб рақобатчилар юзага келмоқда. Уларга бўлган ишонч ҳам тобора мустаҳкамланиб бормоқда. Ана шундай кичик корхоналардан бири Самарқанд шаҳридаги «OR GOLDEN OIL» («Олтин ёғ») масъулияти чекланган жамиятидир. Корхона раҳбари Орзу Қодиров Пастдарғом туманидаги 700 га яқин фермерга хизмат кўрсатаётганларини айтди. «Жума» ҳамда «Улуғбек» пахта заводлари билан тузилган шартномага асосан ўтган йилги ҳосил ҳисобидан олиниши лозим бўлган маҳсулотнинг 90 фоизга яқини фермерларга етказиб берилди. Қолган маҳсулот ҳам тайёр, фақат мижозлар банк билан боғлиқ ҳисоб-китобларни ўрнига қўйишса бўлгани. «Истиқлол», «Мингтут» сингари ўнлаб фермер хўжаликларида ҳисоб-китоблар пухта юритилгани боис ўзларига тегишли маҳсулотларини аллақачон олиб бўлишган. Корхонанинг ҳуқуқшунос маслаҳатчиси Эркин Собиров масъулияти чекланган жамият бир кеча-кундузда 30 тонна чигитни қайта ишлаш қувватига эга эканини, яна юзлаб фермерларга хизмат кўрсата олишлари мумкинлигини таъкидлади. Самарқанд вилоятида фермерларга хизмат кўрсатаётган бундай корхоналардан яна бири Жомбой туманида жойлашган. Иштихондаги «Ал-Носир» масъулияти чекланган жамияти эса туманнинг Митан ҳудуди ҳамда Пайариқ туманидаги бириктирилган уч юзга яқин фермер хўжалигига хизмат қилади. Демак, энди «Каттақўрғон ёғ-мой» очиқ ҳиссадорлик жамияти монопол корхона эмас. У ишни яхши йўлга қўймаса, фермерларга сифатли хизмат таклиф эта олмаса, мижозлар аста-секин ундан воз кечиши мумкин. Негаки, ҳозир давр шуни талаб қилмоқда.

Ўктам ҚУРБОНОВ,
«Миллий тикланиш» махсус мухбири.

Мусиқа инсон қалбини жунбушга солувчи оҳангдир. У нафосатга ошно кўнгилларни гўзалликка мафтун қилади, авж пардаларга кўтарилганда эса инсон борлиғини забт этади.

Яқинда Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси Марказий кенгаши ҳомийлигида партиянинг 11 йиллигига бағишлаб Ўзбекистон Республикаси Давлат концерториясида концерт ўтказилди. Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ва бир гуруҳ партия фаоллари қатнашдилар.

ОҲАНГЛАР ОЛАМИДА

Тадбирни Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Раъно Зарипова табрик сўзи билан очди. Консерватория ректори, профессор Д.Муродова сўзга чиқиб йиғилганларни самимий табриклади ва консерваториядаги ижодий муҳит ҳақида қисқача гапириб берди. Концертни Гулмира Маликова олиб борди. Э.Элгар ижросида торли серенада янграганда залдагилар чуқур тин олиб, куйнинг оҳангига монанд хаёлга берилишди. Д.Гершвиннинг «Порги ва Бесс» операсидан оркестр ва скрипка жўрлигида парчалар тинглади. Ижрочи И.Фролов ва яккахон созанда Н.Алимаксумовларнинг чиқишлари йиғилганларга завқ улашди.

Умида СУННАТОВА

МАЪНАВИЙ КОМИЛ ИНСОН ЭДИ

Инсон вояга етиб, ақлини танигач, ҳаётдан мазмун излашга тутинар экан.

Ҳаёт — дарсхона, ундан ким нимани изласа, шуни топади. Ҳикмат излаганга ҳикмат, ибрат излаганга ибрат беради умр. Ҳаётнинг ўзи мукаммал илм. Унинг асл хазинасидан қанча кўп буюм олинса, шунча кўпаявераркан. Таъмасиз эришилган ганжни бетаъма улашиш ҳам катта илм.

Инсон тириклик чоғида унга бефарқ, беэътибор бўламиз, тирикчилик ташвишларини рўкач қилиб, кексаларни, беморларни йўқлашга вақт топа олмаймиз. Йўқотган кишимизнинг ҳаётдаги ўрни, қадр-қимматини фақат оламдан ўтгачгина англаб етамиз. Турғунбой ота Умрзоқов, Хўжаобод туманидаги Карнайчи қишлоғида туғилган. Элу юрт келажаги учун бир умр курашиб яшаган отахонни 2004 йили 88 ёшида сўнгги йўлга кузатдилар.

Хўжаобод ва Булоқбошида отахонни танимаган одам йўқ. Унинг суҳбатига ташна одамлар кўп эди. Ҳамқишлоғимнинг теран фикрларини мен ҳам катта иштиёқ билан тинглаганман. Отахоннинг ажойиб сўзлари суҳбатдошига хазиналар қулфини очиб берарди.

Йўқ, мен Турғунбой отанинг қийинчиликда кечган болалиги, жанггоҳлардаги хотиралари, фарзандлари камоли ҳақида тўхталмоқчи эмасман. Ҳаётга мазмундан либос кийдирган отахоннинг бой маънавияти ҳақида сўзлашни ният қилганман, холос.

Урушдан қайтгач, одамларга фақат яхшилик қилишни дилига тугиб, эзгу ният қилиб яшаган Турғунбой ота умрининг охиригача ўз эътиқодидан чекинмади. Маҳаллаларнинг ободончилиги, аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш, чекка қишлоқларнинг кўчаларига асфалт ётқизиш, газ, электр энергияси тармоқларини келтириш, жамоат транспорти қатновини йўлга қўйишда катта меҳнати сингди. Эл-юрт равнақи учун унча-мунча раҳбардан кам қайғурмасди у.

— Жияним, одам боласи бу дунёга фақат қорин тўйдириш учун келмайди-ку, бир бурда нонга қорин тўяди. Аждодлардан бизга нима мерос қолган бўлса, уларнинг биророртасига ҳам хиёнат қилиб бўлмайди. Бу — жуда катта гуноҳ. Ҳамма кечириши мумкин, аммо ўзингни ўзинг кечира олмаслигинг азобини қандай қилиб омонат руҳингга сингдира оласан.

— Мен Турғунбой ака билан кўп ҳамсуҳбат бўлганман, — дейди «Мундуз» маҳалласида яшовчи 79 ёшли Эгамберди ота Зуҳриддинов. — Бир олам одам эди раҳматли. Суҳбатларини эсласам, кўзимга ёш келади.

Турғунбой ота Умрзоқов ўзи англаган ҳақиқатларга амал қилди, умрининг ҳар дақиқасини эзгулик билан ўтказди. Бутун умрини ўзини англашга, дунёни кўнгил кўзи билан кўришга, одамларга яхшилик қилишга сарф қилди. Одамлар қалбига туташ қалби меҳрибон отахоннинг ҳаётига мазмун бағишлади, уни эл орасида танитди. Элни ардоқлаган Турғунбой отани эл ҳам ардоқлади. Ҳали-ҳали ҳамқишлоқлари «Киройи одам шундай яшаса», — деб давраларда у кишининг номларини ҳурмат-эҳтиром билан тилга олишади.

Дилшодбек МЎМИНОВ,
Андижон вилояти.

ЯНГИ ФИЛЬМ

Куни кеча Алишер Навоий номидаги кино саройида «Катта ойи» фильмининг тақдимот маросими бўлиб ўтди.

Тақдимотда «Катта ойи» фильмида иштирок этган актёрлар, фильм ижодкорлари қатнашдилар. Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари ҳақидаги бу фильм анжуман қатнашчиларида катта таассурот қолдирди. Премьерадан сўнг биринчи бўлиб даврага фильм режиссёри Фотиҳ Жалолов кириб келди. У асар ижодкорлари ҳақида гапирар экан, асосий меҳнатни бажариб, ўзлари кадр ортида қоладиган жонкуяр ҳамкасбларини таништирди. Марғилондаги ва пойтахтимиздаги меҳрибонлик уйлари раҳбариятига ўз миннаддорчилигини билдирди. Барча фильм ижодкорларини томошабинлар эўр қизиқиш билан қарши олди. Айниқса, бош ролларни ижро этган Ноила Тошкенбоева, Зикир Муҳаммаджонов ва меҳрибонлик уйлари болалари учун чалинган қарсаклар давомли бўлди.

Шундан сўнг Ўзбекистон Қаҳрамони, устоз санъаткор Зикир Муҳаммаджоновга сўз берилди. У киши йиғилганларга шеърий салом йўллаб, даврага файз киритди.

Феруза МИРЗАЕВА,
ЎзДЖТУ Халқаро журналистика факультети талабаси.

ЁРУҒ РЕЖАЛАР БИЛАН

Вилоят кенгашларида

ЎзМТДП Сурхондарё вилояти кенгаши фаоллари йиғилиши бўлиб ўтди. Унда партиянинг вилоят кенгаши аъзолари, шаҳар ва туман кенгашлари раислари, таълим, маданият, маънавият муассасалари вакиллари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ва талаба ёшлар иштирок этишди.

Йиғилишни ЎзМТДП Сурхондарё вилоят кенгаши раисининг ўринбосари Абдулла Холмирзаев очди. Кун тартибидаги биринчи масала юзасидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Жума Чоршанбиевга сўз берилди. Шундан сўнг вилоят «Уйжойсаноатқурилиш» лойиҳа институти директори Исомиддин Одинаевни Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси Сурхондарё вилоят кенгаши раиси этиб сайлаш ҳақидаги таклиф кўпчилик овоз билан маъқулланди.

Кун тартибидаги иккинчи масала юзасидан партиянинг вилоят кенгаши раиси ўринбосари А.Холмирзаев маъруза қилди. Маърузада таъкидланишича, вилоят кенгаши кейинги бир йил мобайнида шаклланиш жараёнини бошидан кечирди. Миллий тикланиш ғояларини аҳоли ўртасида ёйиш, маънавий-маърифий ва тарғибот-ташвиқот ишларини талаб даражасида олиб боришга ҳаракат қилинмоқда. Партия аъзолари сафини кенгайтириш, бошланғич партия ташкилотлари сонини кўпайтириш биринчи галдаги вазифалардандир. ЎзМТДП Марказий Кенгаши шу йил бошидан жамиятимизда бугунги кунда маънавий тарбия, миллий ўзликни англаш, ахлоқ-одоб муаммоларининг ечимини ҳал қилиш учун миллий қадриятларимиздан бири бўлган устоз-шогирдлик анъаналарини тиклаш ташаббуси билан чиқди. Устоз-шогирдлик ҳаракати халқимиз турмушида азал-азалдан бўйи анъана тусини олган, у авлодлар ўртасида оқибатни, миллий меросни мустаҳкам боғловчи ришта вазифасини ўтайди. Ана шундай ўлмас анъанага янгича руҳ, янгича тус бериш мақсадида вилоятлардаги сафдошларимиз ибратли ишларни амалга оширишмоқда.

Президентимизнинг 2006 йил 3 апрелдаги «Аҳоли ўртасида олиб борилаётган маънавий-маърифий ва тарғибот-ташвиқот ишларининг таъсирчанлиги ва самарасини оширишга қаратилган чора-тадбирлар дастури тўғрисида»ги қарорида аҳоли ўртасида миллий истиқлол ғоясини кенг тарғиб этиш, дунёда ва ён атрофимизда содир бўлаётган сиёсий жараёнларга нисбатан юртдошларимизда онгли муносабатни шакллантириш, ёшларимизни Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш борасида муайян ишлар қилинаётганлиги айтилади. Президент қарори ижросини таъминлаш юзасидан кенг қамровли тадбирлар режаси ишлаб чиқилди. Вилоят кенгаши котибияти йиғилишида бу ҳақда атрофлича сўз юритилиб, ишларни талаб даражасига кўтариш учун партиявий фаолликни жонлантиришга келишиб олинди. Устоз-шогирдик анъанасини тиклаш ва ривожлантириш мақсадида «Устоз — отангдек улуғ» мавзуида тадбир ўтказилди. Унда Термиз туманидаги 2-мактаб директори, қарийб 60 йиллик педагогик фаолиятга эга муаллим Орол Примқулов шарафланди.

Чегарачилар билан ташкил этилган учрашувлар, Термиз шаҳридаги Жайҳун, Маърифат, Учқун маҳаллаларида Президент қарори юзасидан ўтказилган тадбирларда ҳам партия фаолларининг ташаббуси сезилди. Сайловчилар билан ўтказилган жонли мулоқотлар, ёшлар ўртасида ташкиллаштирилаётган спорт мусобақалари ва халқ ўйинларида ҳам миллий қадриятларимизни эъзозлаш руҳи бор. Йиғилишда мана шундай бир қатор маънавий-маърифий тадбирлар ўтказилаётгани ҳақида ҳам сўз борди.

Термиз Давлат университети доценти Хурсанд Худойбердиев «Миллий истиқлол ғояси ва маънавий асослари фанини ёшлар онгига етказишнинг амалий жиҳатлари», Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти вилоят филиали катта илмий ходими Абдураҳим Курбоновнинг «Аҳоли ва ёшлар онгида миллий истиқлол ғояларини шакллантиришда мамлакатга қарши қаратилган ғоявий ахборот хуружларидан ҳимоя қилишда партияларнинг роли» мавзуларида маъруза қилишди. ЎзМТДП Денов туман кенгаши раиси Хуррам Раҳимовнинг «Мафкуравий ишлар таъсирчанлигини ва самарасини ошириш йўлидаги дастлабки натижалар», ЎзМТДП Олтинсой туман кенгаши раиси Саломат Саидованинг «Маҳалла-мактаб-оила ҳамкорлигини мустаҳкамлаш бўйича олиб борилаётган иш тажрибаси» мавзуидаги маърузаларида ҳам партия ишини жонлантиришда кенг қамровли ислоҳотлар йўлидан бориш зарур эканлиги таъкидланди.

ЎзМТДП Марказий Кенгаши раиси Х.Дўстмуҳамедов партиянинг фаолият йўналишлари, маънавий-маърифий ишларни ривожлантиришдаги ўрни ҳақида якунловчи маъруза қилди.

Йиғилиш сўнгида Термиз Давлат университетининг бир гуруҳ талабалари партия сафига қабул қилинди.

Жуманазар АНОРОВ,
журналист.

ДОЯ ОПА

Шамол гувиллай бошлади. Шифохона ҳовлисида нимадир қарсиллади.

— Ишқилиб, чироқ ўчиб қолмаса эди... Ёрдамчи ҳамшира гапини тугатмасданоқ тепада пориллаб турган чироқлар липиллаб қизара бошлади.

— Шам! — деб бақириб юборди Орзигул. Кимдир бурчакдаги столга югурди. Дам ўтмай операция столининг тепасида ўнлаб қўллар шам тутиб турар, шам титраб кетмаслиги учун ҳамширалар чап қўллари билан ўнг қўллари билакларини маҳкам ушлаб қотиб туришарди.

Орзигулнинг ич-ичидаги бир исён бош кўтариб келар, ... шу столда икки йўл орасида жон талашиб ётган аёлга:

— Муяссар, нега бундай қилдинг?! Нега ҳамма аёл чидайдиган тўлғоқ дардига чидамай отангга эркалик қилдинг?! Оғриқни қолдирадиган укол қилдиринг, жон ота, чидамай кетаяпман, дединг! Сенинг оний заифлигинг, отангнинг бевақт меҳрибонлиги, қайсидир ҳамширанинг ўйламай қўйган қадами билан табиий дардингни йўқотдинг. Ҳомиланг ичингда азоб тортди. Мана, операция билан оламиз. Сенинг ҳам, зурриёдингнинг ҳам жони қил устида турибди! Онанг сени дунёга келтираётиб оламдан ўтган экан. Шу сабоқ бўлмадими отангга?! — дея бақирги келарди. Аммо ўзини куч билан босарди. Ҳозир туйғуларига эрк беришга ҳаққи йўқ. Бир шифокор имконида нима бўлса, шу вазифани бажариши керак. Шам ёруғидаги операция икки соатча давом этди.

— Гўдакни асраб қолдик. Аммо аёл бошқа фарзанд кўра олмайди. Майли, борига шукур, дейишди оиласидагилар. Ўзимиз ҳам енгил нафас олдик. Аммо энди ўша қизалоқ опа-сингилсиз, ака-укасиз ёлғиз улғаяди. Кези келганда ўксийди. Нима учун? Онасининг, бобосининг тиббий саводсизлиги учун! Кўриб турганингиздай, тиббий саводхонлик масаласи ҳаёт қадар зарурият...

Орзигул аниқ-аниқ, кесиб-кесиб гапиради. Уни кўпдан таниганлигим учун Орзигул, Орзигул деётганлигим, балки, сизга сал ғайритабиийроқ туюлар. Мен учун сингилдай қадрдон бўлиб қолган Орзигул Янгибоева Хоразм вилояти Гурлан тумани марказий шифохонаси туғруқхона бўлимини бошқаради. У ўзи табиатан романтикага мойил, шеър ўқишни, мумтоз мусиқа ва ашулаларни яхши кўрадиган аёл. Учрашиб қолсак, шеърият, янги яратилаётган кинолар, роман, қиссалар ҳақида суҳбатлашишимизни хоҳлайди. Мен унга бир-икки шеър ўқиб берган бўламан-да, гапни тиббиётга бураверaман. Доя врач ва ҳамширалар саргузаштлари, уларнинг иши ҳар доим менга қизиқарли бўлиб туюлади. Балки, ҳаёт моҳиятини ўша ҳаяжонли лаҳзалардан излаганим учун шундайдир...

— Саида исмли яна бир аёл эсимда қолган. Юрагида туғма нуқсони бор эди. Кардиологлар унга туғишдан кўра туғмасликни кўпроқ маслаҳат беришганди. Аммо «фарзанд кўрмасам, оилам барбод бўлади. Битта бўлсаям болам бўлиши керак», деб туғишга аҳд қилди.

Орзигул гапирарди-ю, мен унинг ўша кунлардаги кечинмаларини хаёлан тасаввур қилардим.

... Саида оғир-оғир ҳансираб нафас олади, оёқлари шишган.

— Қўрқма. Кайфиятингни туширма. Ўзингни соппа-соғман, деб ўйла. Кўпроқ баҳаво жойларда сайр қил. Мусиқа тингла, — дея Орзигул кунда, кун ора Саиданинг ёнига кирганда далда беради.

Орзигул ўша кунларда кутубхонага кириб газета титкилар, жиддий хасталиклар билан ҳомилали бўлган ва эсон-омон кўзи ёриган аёллар ҳақидаги маълумотларни тўплар, Саидага олиб келиб, ўқиб берарди.

— Саида ўғил кўрди... Чақалоқнинг йиғисини эшитиб, йиғлаб юбордим. Қани энди ўзимни тўхтата олсам... Бўлар экан... Тўғри, мен шифокор сифатида соғлом онагагина фарзанд кўришни тавсия қилишим шарт. Аммо аёл ўзининг бахти, оиласини сақлаш учун фарзандга интилса, бу интилиш мақсадга айланса, руҳда ғалати бир қудрат пайдо бўлар эканки, бу жисм касаллигини енгар экан...

Орзигул Янгибоева ана шундай ҳодисаларга гувоҳ бўлганида туғруқхонага руҳшунос керак, деган фикрни кўп ўйлайди.

— Азал-азалдан одамлар туғруққа табиий жараён деб қараган. «Дадай шубҳа-гумонларнинг ўзи уни ҳолсизлантиради, ўзига ишончни йўқотади. Шунинг учун туғруқхоналарда кучли руҳшунослар фаолият кўрсатиши, она бўладиган аёл тез-тез уларнинг суҳбатларидан баҳраманд бўлиши шарт...

— Орзигул, сенда педагоглик қобилияти ҳам бор. Ўз фикрингни яхши ифодалай оласан. Соҳангга жуда жиддий қарайсан, аспирантурада қол, — дейишган эди унга Тошкент Давлат тиббиёт институти (ҳозирги Тиббиёт академияси)ни тугатган пайтлари. У аспирантурада қолса бўларди. Акаси таниқли жаррох, тиббиёт фанлари доктори Зарифбой Янгибоев, келинойиси тиббиёт фанлари номзоди Дилором Абуллаевалар ўша пайтда тиббиёт институтида дарс беришарди. Аммо Орзигул ўзини амалиёт учун туғилганман, деб ўйларди. Қолаверса, Гурлан — туғилиб ўсган юрти. Шолипояларда сув ичида ўтоқ қилиб оёқлари оқариб кетган аёллар... Хоразмнинг жазирамасида юзларини офтоб ялаган аёллар олдида ўзини бурчли сезарди. Юртига қайтиб келди-ю, ҳозир ўзи бошқараётган туғруқхонада оддий шифокор сифатида иш бошлади.

— Мен эркак одам акушер-гинеколог бўлмасин, деган фикрга мутлақо қўшилмайман. Шифокор эркак учун столдаги аёл — оддий мижоз. Шунақа пайтлар бўладики, довдираб қоламиз. Эркак одамнинг юраги бақувват бўлади. Яна бунинг устига, эркак одамнинг хаёли минг ёққа сочилмайди. Астойдил ишига берилган бўлади. Мен ҳозир бўлимимизда Ойбек исмли йигит гинеколог борлигидан суюнаман... Мен ҳамкасбларимни бутунлай бошқа бир дунё одамлари деб билмайман. Акушер-гинекологларнинг тайин иш вақти йўқ. Ҳаммаси, айниқса, туман, қишлоқ жойларида барчаси кийимини бошига қўйиб ётади. Кечаси дард тутган аёл келса, улгурай деб... Гинекологлар кучли, соғлом бўлиши керак. Чунки гоҳида қон беришга, баъзан уч зинани битта қилиб сакрашга тўғри келади. Лекин мен буларни бурч деб қабул қилиш керак, деб ўйлайман...

Орзигулнинг гапларини қачон эсласам, овози, сўзларидан куюнчак қиёфаси кўз олимда гавдаланади. У Тошкентга келса, китоб, журнал, газеталар харид қилади: Буниси Раъногa, буниси Тамара, буниси Феруза-га, дея рўйхатларига қараб тахлайди. Демак, ёнида ўзидек кўнгил кишилари, ўқишга чанқоқ ҳамшира, шифокорлар ишлайди.

Оиласи — тинч, тўнғич қизи яқин маҳаллага узатилган, кенжаси — лицей талабаси. Муроджон ёлғиз ўғил бўлса-да, отаси Усмон ака ва онасининг эркаси эмас, ёрдамчиси...

Мен Жайҳун тарафларда ўзидан кўра ўзгани кўпроқ ўйлайдиган, қачонлардир ўзи жон чекиб, дунёга келтирган фарзандларини тўй- маъракаларда «Мана бу ўғлингиз, қизингиз, Орзигул опа» деса яйраб, ҳамма машаққатларини унутадиган бу аёл борлигидан ва у менга қадрдонлигидан фахрланиб юраман.

Кутлибека РАҲИМБОЕВА.

2006 ЙИЛ — Ҳомийлар ва шифокорлар йили

● *Маънавиятимизни ўрганайлик*

Бундан ўн беш-йигирма йил муқаддам Алишер Навоий номидаги Адабиёт музейининг Ўзбек ёзувчилари архивида уч мўйсафид ва бир навқирон санъаткорнинг суратини кўрган эдим. Ўшанда каминани бу ноёб суратдан ҳам кўра унинг орқа тарафига ёзилган қуйидаги ёднома ҳайратга солган эди:

Тўйчи ҳофиз сурати ўртодаги,
Бир кўришга муштоқ эл дунёдаги.
Оврупо ғижжаги онда ўнг тараф,
Хожиев исми Муҳаммад бо шараф.
Ёнма-ён чапда Низомхон ўлтурур,
Танбурин айлаб намоён ўлтурур.
Сўрса ким деб теппада турган қараб,
Ҳайбатулло хўжа Хислатдур лақаб.
Тарихи минг ва уч юз олтмиш эди.
Созу хониш бирла тонг отмиш эди.

ХИСЛАТЛИ ШОИР

1941 йилнинг 10 ноябрида дунёга келган бу суратдаги гўзал сатрлар муаллифи Хислат ўтган аср бошларида Тошкентда шаклланган жадид адабиётининг йирик намояндаси, шоир ва таржимон, хаттот ва ношир эди. Афсуски, жадидчилик ҳаракати қораланган шўролар даврида бошқа тараққипарвар ватандошларимиз қатори унинг номини ҳам тилга олиш имкони бўлмади. 60-йилларнинг иккинчи ярмида ўзбек фани ва маданиятида бошланган янгиланиш жараёнида Хислат номи ҳам қайта юзага чиқди. Тақдири фожиали кечган «Тирик сатрлар» тўпламидан Хислат асарлари ҳам ўрин олди.

Хислатнинг асл исм-шарифи Саид Орифхўжа ўғли Саид Ҳайбатуллахўжа бўлиб, 1880 йил 10 майда Тошкентнинг Чорсу мавзесида туғилган. Отаси қаландартабиат киши бўлганлиги боис у уч ёшидан бошлаб фарзандсиз аммаси Рисолат аянинг қўлида тарбияланган ҳамда она томондан бобоси Маҳмудхон ва бувиси Шамсиойимнинг моддий таъминотидан баҳраманд бўлган. Олтиетти ёшида эски мактабга бориб, хат-савод чиқарган. Ўн олти ёшида мактабни тугатиб, Кўкалдош мадрасасида таҳсил ола бошлаган.

Аммо бобоси Маҳмудхон эшон ва бувиси Шамсиойим вафот этгач, оғир иқтисодий вазиятда қолган Саид Ҳайбатуллахўжа себзорлик Қорахўжа деган фонусчи устага шогирд тушиб, бир йил давомида фонусчилик билан машғул бўлган. Бироқ устадан ҳар ҳафтада олгани — йигирма тийинлик «чойпули» унинг на устини бут, на қорнини тўқ эта олмагани боис у Кўрғонтеги маҳаллалик уста Солига шогирд тушиб, эшик-ром қилишни ўрганган. Ҳар ойда топгани — олти сўм эвазига ёз ойларида ишлаб, қишда ўқишни давом эттирган.

Шеъриятга бўлган майл Саид Ҳайбатуллахўжада жуда барвақт уйғонди. У тўққиз ёшидан мумтоз шоирлар таъсирида ғазаллар ёза бошлади. Лекин бу шеърлар ҳаваскор шоирнинг машқлари бўлганлиги сабабли у таржимаи ҳолларининг бирида шеърий ижодининг дебочасини мадрасадаги таҳсил йиллари билан боғлаб, бундай ёзади: «Аммо мадрасага чиқиш билан баробар шеър ўқиш, шеър ёзишга бердим, эрта-ю кеч фикрим шеърни қандай ўқиш, қандай ёзиш бўлди. Ҳатто баъзи домлалар илмсиз бўлиб қоласан, шеърга кўп уринма, деб қайтарур эдилар. Сўзларига қулоқ солмасдан, тобора шеър ёзишга шавқланардим».

Саид Ҳайбатуллахўжада шеъриятга бўлган майл-муҳаббатнинг уйғонишида Тошкент шоирларининг шу йиллардаги пешқадами Каримбек Камийнинг ҳизматлари таҳсинга сазовордир.

> ...Хислатнинг яна бир яхши сифати шунда эдики, ўзи кўп нарса билса ҳам, аммо жуда камтарин одам эди.

Хислат, Мискин, Сидқий Хондайлиқий сингари ёш қалам аҳллари Кўкалдош мадрасасида таҳсил кўрганларига қарамай, Камийнинг «Беклар беги» мадрасасидаги ҳужрасида оқшомдан тонгга қадар давом этган шеърхонликларда ўзбек мумтоз шеъриятининг билимдонлари ва арузнавис шоирлар сифатида шаклландилар.

Саид Ҳайбатуллахўжа Камийнинг «Беклар беги»даги «адабий мактаб»ида қаламини обдан чархлади. Унинг Хислат тахаллуси билан дунёга келган ғазаллари устоз томонидан юқори баҳоланиб, Тўйчи ҳофиз, Акбар ҳожи Ҳайдаров, Ғулом Ғаниев сингари ўз даврининг машҳур хонандалари ижросида Тошкент аҳолиси ўртасида катта шуҳрат қозонди.

Хислат ғазалларининг дилрабо оҳанглар билан товланиши ва халқ ўртасида кенг тарқалишида унинг Мулла Тўйчи Тошмуҳамедов билан яқинлиги, у билан бир адабий-мусиқий даврада яшагани ҳам муҳим аҳамиятга молик бўлди. Буни Хислатнинг ўзи ҳам таржимаи ҳолида бошқа бир шаклда ифода этиб, шундай сўзларни ёзган: «Тўпламларим ичида энг ажойиби Тўйчи ҳофизга бағишлаб ёзилган «Армуғони Хислат» баёзим бўлиб, бу баёзда 63 та шоирнинг 118 та шеъри бўлиб, буларнинг ҳаммаси Тўйчи ҳофиз томонидан ашула қилинади. Ҳар қайси шеър қайси куйда, қайси вазнда ашула қилиниши шеърнинг тепасига «Чоргоҳ», «Ушшоқ» куйида , деб ёзиб қўйилган. Бу 118 та ашуладан 29 таси шахсан меники эди». Шоирнинг бу сўзларидан шундай хулосага келиш мумкинки, у ўз ғазалларини Мулла Тўйчи Тошмуҳамедов ижросида янграган мумтоз халқ куйларига мослаб ёзган ва «Армуғони Хислат» баёзида эълон қилинган бундай ғазалларининг ўзиёқ 29 та бўлган. Хислат ғазалларини давом эттирган шоирлар жумласидан бўлса ҳам, девон тузмаган. Умуман, девон тузиш анъанаси XX асрда у қадар расм бўлмаган. Хислат янги тарихий-маданий давр талаби билан «Армуғони Хислат»дан ташқари, «Ҳадяи Хислат», «Туҳфаи Хислат» ва «Савғоти Хислат» баёзларини тузиб, нашр этган. Шоир бу баёзларга Навоий, Лутфий, Фузулий, Амирий сингари мумтоз шоирлар билан бир қаторда Камий, Мискин, Сидқий Хондайлиқий сингари замондошлари, жами 86 нафар шоирнинг ўзига мансур бўлган асарларини қиритган. Бу баёзларда бошқа шоирларнинг қаламига мансуб асарлар 300 дан ортиқ бўлгани ҳолда Хислат асарларининг 100 дан зиёдроқлиги унинг устоз шоирларга нисбатан ўта ҳурматли муносабати, олижаноблиги ва камтарлигидан далолат беради. Хислатнинг мазкур баёзларда чоп этилган аксар шеърларининг Ҳувайдо, Машраб, Муқимий ва Фурқат шеърларига мухаммас тарзида ёзилгани ҳам бу фикрнинг одиллигини тасдиқлагандек бўлади.

Хислат шеърларига назар ташлаган китобхон шоирнинг бадиий маҳорат бобида мумтоз шоирлардан қолишмаслигига, анъанавий мавзуларни бадиий талқин этишда Шарқ шеъриятидаги поэтик санъатлардан усталик билан фойдалангани, айниқса, шеърнинг мусиқий йўналишига катта аҳамият берганига ишонч ҳосил қилади.

Найларам боғу чаман сайрини жонон бўлмаса,
Мисли товус силкиниб, ҳар ён хиромон бўлмаса,
Сарвқомат, орази гул, хатти райҳон бўлмаса,
Чашми шаҳло, ўзи барно, шоҳи хўбон бўлмаса.
Ўлмайинму ҳажридин жисмим аро жон бўлмаса.

«Таронаи баёт» куйи асосида ёзилган юқоридаги мухаммаснинг қайси бир бандини ўқимайлик, ундаги бадиий камолот ва мусиқий латофат бизни ўзининг сеҳрли тўрига тортади.

Хислат форс ва араб тилларини мукаммал билган, шу тилларда яратилган қатор мумтоз асарларни ўқиган, ҳатто таржима қилган бўлсада, фавқулодда камтарлиги боис ўз таржималарини нашр этишга ошиқмаган. Шунга қарамай, биз «Достони Барзу шер» (Фирдавсий), «Мушук ила сичқон» (Убайд Зоконий) асарларининг Хислат таржимасида нашр этилгани, сўнгги асарнинг эса 40-йилларга қадар ўн йил давомида мактаб адабиёт мажмуаларида эълон қилиниб келганини яхши биламиз. Хислатнинг бу асарлардан ташқари, Низомийнинг «Лайли ва Мажнун» достонини насрий, «Нон ва ҳалво» араб ва форс ҳикоялари тўпламини шеърий йўл билан таржима қилганлиги ҳам маълум.

Шундай бой билимга эга бўлган, ғазаллари ўзбек халқининг оғзидан тушмаган, ўз асарлари ва таржималари билан ёш авлодни шарқона ахлоқ ва одоб руҳида тарбиялашга интилган шоир, ҳатто эл-юрт ўртасида шуҳрат қозонган йилларида ҳам очяланғоч қолиб, бола-чақасини боқиш учун дурадгорлик ишлари билан машғул бўлди. У 1927 йилдан бошлаб тўрт йил селмаш заводи қурилишида, тўрт йил ёғоч ишловчилар заводида, уч йил пойабзал фабрикаси қурилишида дурадгор уста бўлиб хизмат қилди. Ҳолбуки, у шу йилларда ҳам жадид адабиётининг вакили сифатида ёшларни ўқишга, замон билан баравар қадам ташлашга даъват этувчи шеърлари билан халққа ва ватанига астойдил хизмат қилаётган эди.

Ҳар қандай халқ ва мамлакатнинг келажаги ёшлар қўлида эканини яхши билган шоир уларнинг маънавий баркамол, замонавий илм-фан ва техникани мукаммал эгаллаган кишилар бўлиб улғайишларини орзу қилган эди. Хислат 1945 йил 8 июнь куни 65 ёшида оламдан ўтган. Унинг сўнгги манзили Тошкентнинг Шайх Зайниддин бобо қабристонида.

Жабрдийда жадид шоир хотирасини ёд этиш биз авлодлар учун ҳам фарз, ҳам қарздир.

Наим КАРИМОВ, профессор.



Қўҳна обидалар — бойлигимиз.

Халқлар дўстлигига бағишланди

Юртимизда халқаро маданий алоқалар қадимдан шаклланган. Шарқ халқлари азалдан юксак маданият маскани ҳисобланган. Минг йиллар мобайнида Буюк Ипак йўли инсоният маданияти цивилизацияси учун хизмат қилиб, халқаро маданий алоқаларни ўзида мужассам этган. Ўзбек халқининг маданияти шаклланишида ҳам байналмилал маданиятнинг ҳиссаси катта.

Республика Байналмилал маданият марказида юртимизда яшаётган 130 дан ортиқ турли миллат вакилларининг урф-одатлари ва анъаналарини ривожлантиришига ҳамда ўз халқлари билан яқиндан боғланишлари учун етарлича шароитлар яратилган. Яқинда марказ томонидан ўтказилган «Ўзбекистон —умумий уйимиз» номли дўстлик фестивали юртимиздаги барча миллат вакилларини бир саҳнага чорлади. Ватан мадҳи, унга бўлган меҳр-садоқат туйғулари турли тилларда ифода этилди.

Марказда амалга оширилаётган халқаро маданий алоқалар юртимизнинг жаҳон ҳамжамиятидаги ўрнини мустаҳкамлашга ва байналмилал маданиятимиз ривожланишига хизмат қилаяпти. Айни кунларда «Қудратимиз — дўстлик ва ҳамжиҳатликда» шиори остида тадбирлар ўтказилмоқда.

Миллатлараро ҳамжиҳатлик, ўзаро дўстона алоқалар ўрнатиб яшаш халқимизнинг қон-қонига сингиб кетган азалий қадриятлардан биридир.

Дилфуза ЖУМАЕВА.

Саҳна — ойна

Университетимизда ҳар ойнинг учинчи пайшанбаси Маънавият куни деб эълон қилинган. Бу гал Аброр Ҳидоятов номли драма театрига ташриф буюрдик. Режиссёр Баҳодир Йўлдошев томонидан саҳнага қўйилган грузин ёзувчиси Цагареллининг «Хонума» ёки ўзбекча «Ассалому алайкум, қизлар» асари барча талабаларга манзур бўлди.

Саҳна асаридаги воқеалар ҳар бир миллатга мансуб бўлган қизни турмушга чиқаришда талаб қилинадиган насл-насаб тушунчалари орқали кўрсатилган. Кундалик турмушда учраб турадиган кичик иллатлардан тортиб, одамларнинг нафс қулига айланганлиги Сайфич тимсоли орқали ифодаланган. Бош ролларда севимли артистларимиз Абзал Рафиқов, Раъно Зокирова, Доно Бобохонова, Сайфиддин Мелиев ва бошқалар иштирок этишди.

Театрдан қайтарканман, саҳна биз учун турмуш тарзимизни акс эттирувчи ойна вазифасини ўташига амин бўлдим.

Нигора ЎРОЛОВА.

ТАРИХ ИЗЛАНИШГА ЧОРЛАЙДИ

Таклиф

Юртимиз истиқлолга эришгач, ижтимоий-иқтисодий, маданий-маърифий ўзгаришлар асосида тарихий, миллий, маънавий қадриятларни ўрганиш ва уларни тиклаш имкониятлари яратилди. Ҳеч бир жамият маънавий ва ахлоқий қадриятларни ривожлантирмай ва мустаҳкамламай туриб, ўз истиқболини тасаввур эта олмайди. Халқимизнинг маданий қадриятлари, маънавий мероси Шарқ халқлари учун қудратли маънавият манбаидир. Дарҳақиқат, узоқ давом этган кескин мафкуравий тазйиққа қарамай, Ўзбекистон халқи ўз тарихини ва маданий қадриятларни ҳамда ўзига хос анъаналарини сақлаб қолишга муваффақ бўлди.

Бугунги авлодга тарихимизни, тилимиз, динимиз, миллий анъаналаримизни ривожлантириш учун барча имкониятлар яратилган. Улардан бири сифатида Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университетининг тарих факултетида Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонуни, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» ва университетнинг Низоми асосида фаолият кўрсатаётган «Ёш тарихчи» тўгарагини мисол қилишимиз мумкин. «Ёш тарихчи» тўгараги тарихнинг барча соҳаларига қизиқувчи талабалар орасидан иқтидорлиларини танлаш ва тўгаракка жалб этиш билан тарих фанига қизиқишини орттириш, илмий изланиш малакаларини ўстириш, фан олимпиадаларига ва танловларига тайёрлаб бориш ҳамда талабаларнинг интеллектуал салоҳиятини ошириб боришга хизмат қилмоқда.

«Ҳомийлар ва шифокорлар йили»да ўлкамиз тарихига қизиқадиган тадбиркорлар ва ишбилармонлар ёш тарихчиларга ҳомийлик қилиб, саховат кўрсатишса, тарихимизни тиклашимиз ва уни ёритишимиз йўлида катта ёрдам бўларди.

Феруза ҲАЙИТОВА, талаба.

● *Кўрсатув томошабин нигоҳида*

«ОНАНИ ЯРАТМАСИН ЭКАН-ДА!»

Айтишларича, Тангри Таоло меҳрнинг тўқсон тўққиз қисмини жаннатга жойлаб, бир қисминигина ерга туширган экан. Шу бир қисм меҳрнинг аксари оналарга насиб қилган бўлиб, шунинг ўзи ҳам бутун дунёга татиркан.

Оналик ҳисси, меҳри билан ҳатто йиртқич ҳайвонлар ҳам болаларини беозор эркалатади. Таажжубки, ҳар доим болаларга ота-онага яхшилик қилиш, уларнинг ҳолидан хабар олиш эслатиб турилади. Аммо фарзандлари ҳақида қайғуришни ота-оналарга айтиш шарт эмас. Шу ўринда бир ривоятни келтиришни жоиз топдим.

Бир йигит куннинг иссиғида том суваётган экан. Онаси унга ачиниб:

— Тушақол, болам, озгина дамингни ол, — деса, кўнмасмиш. Бир пайт она ҳалиги йигитнинг кичкина гўдагини офтобга олиб чиқиб қўйибди. Йигит буни кўриб дарров томдан тушиб, онасига:

— Бу нима қилганингиз ахир? Боладан иссиқ ўтиб кетади-ку! — деганида, онаизор:

— Ҳа, болам-а, сен болангни қанчалик яхши кўрсанг, мен ҳам сени шунчалик яхши кўраман, — деб жавоб берган экан.

Инсон қўникувчан бўларкан. Ҳар нарсага чидаркан. Ота-онанинг ўлими — мерос. Етим қолган йиғлаб-йиғлаб ошини, нонини еяверади. Аммо она боласидан бевақт айрилса-чи?! Унинг оҳу ноласига тоқат қилиб бўлармикан? Яна ҳам аянчлиси, боласи тирик туриб, доғида куяётган бўлса-чи? Унда бечора онага қандай таскин бериш мумкин?!

«Меҳр кўзда» кўрсатувини кўрганимга бир неча кун бўлди. Шундан буён юқоридагидек ўйларнинг таъсиридан чиқолмайман. Она боласининг олий маълумотли бўлишини истаб, шаҳарга кузатади. Фарзанд бўлса, шу бўйи бедарак бўлиб кетади. Орадан йиллар ўтаверади. Аёл киши аламини йиғидан олади. Йиғлаб-сиқтаб дардини енгиллатади. Аммо ота кундан-кун ичидан зил кетиб, тўшакка михланади. Тилдан қолади, сўнгги нафасида бир сўз айтмоқчи бўлади. Аммо тили айланмайди. Ғудраб-ғудраб оламдан ўтади. «Кетган қайтади — кетмонлаган қайтмайди», деган гап тўғри экан. Хайриятки, дунёда яхши инсонлар бор. Улар — дунёнинг тиргаги. Улар туфайли она фарзандини топди. Номард ўғил тирик экан. Дийдор онлари онанинг айтган сўзи юрак-бағримни ўртаб юборди:

— Хайрият, тирик экансан! Мана, уйланибсан... Ота бўлибсан... Тасаввур қил, фарзандинг иситмаласа, қандай ҳолатга тушасан. Мен сени кутиб, саккиз йил йўл қарадим. Саккиз йилни бедор, беҳаловат ўтказдим. Отанг сени кўролмай кўзи очиқ кетди...

Она ҳушидан кетди. Негадир бошини эгиб ўтирган йигитнинг уввос солиб йиғлашини кутгандим. Лекин ундай бўлмади. Беихтиёр кўз ўнгимда Чингиз Айтматовнинг «Асрга татигулик кун» асаридаги жонини гаровга қўйиб, манқуртга айланиб қолган ўғлининг дийдорини кўриш учун борган Найман онанинг сиймоси гавдаланди. Она бир сафар ўғлини кўриш учун ўлим қошига боради, оқибат, ўғлининг отган пайконидан жони узилади.

Кўрсатув сўнгида яна бир она:

— Қайда бўлсанг ҳам, тирик бўлсанг бўлди, жоним болам! Бир марта сени кўрсам бўлди!.. — деб нола қилди.

Ўша тун ухлолмадим, онамнинг олдида эмаслигимдан кўнглим ўксиди. Онам тез-тез: «Онани яратмасин экан-да!», — деб қўярди. Шу онда бу сўзнинг маъносини англагандек бўлдим.

Биз-ку бундай ҳодисаларнинг ҳар доим ҳам гувоҳи бўлавермаймиз. Аммо орамизда шундай инсонлар борки, уларни излаб топади. Дардларига шерик бўлади. Ғамларини елкаларига олади. Улар туфайли меҳрга ташна, кемтик диллар шод, оилалар бутун бўлади.

«Меҳр кўзда» каби кўрсатувлар кўпаяверсин. Дўстлар бир-бирини изласин, топсин, дийдорлашсин. Қариндошчилик ришталари узилмасин, ҳеч бир она болам, деб кўз ёш тўкмасин.

Муҳаммаджон РАҲМАТОВ.

Шундай асарлар борки, ўқиш давомида унутилиб борилаверади. Баъзи асарлар бўладики, ҳажман кичик бўлса-да, йирик китоблардан ололмаган таассуротларни уйғотади. Бу аслида муаллифнинг маҳоратига боғлиқ. Анвар Обиджон кўпинча ҳажман кичик нарсалар ёзади. Бироқ юқорида айтилганидек, «ширали», залворли ёза олади. Қуйида ёзувчининг шундай кичик ҳажвияларидан бирини эълон қиламиз. Мақсад — ўқувчиларимизга ҳам табассум улашиш.

ҚИЙҒИРАКНИНГ ШАМОЛИ

Синоптикларнинг навбатдаги йиғилиши давом этар, келгуси ой учун гидрометеорологик бюллетен тайёрлаш масаласи муҳокама қилинмоқда эди.

— Ҳой, сен бунақа ғўрлик қилмагин, Тошкўмиров! — дея жамоага бундан бир ойча олдин келиб қўшилган ёш ходим Тоштемировга дакки берди бошлиқ. — Водий ҳақида тайёрлаган маълумотларинг икки ҳафта ўтмасданоқ юзимизни шувут қилди-ку! Бюллетенда, худди жўғрофиядан имтиҳон топшираётгандек, вилоятлар қолиб, ҳатто туманларнинг номиниям кўрсатиб ўтибсан. Намунча мижғов бўлмасанг, ука? "Водий" дейилгандан кейин гап тамом-да. Бу чеккасида ёмғир ёғмаса, у чеккасида ёғар, бу тарафига туман тушмаса, у тарафига тушар, ҳе, сени қарА-ю...

Бошлиқ пича жимиб қолди. Икки тамшаниб, бир ютинди. Сўнг ўтирганларга бир-бир бақрайиб боқди. Ҳамма тенгдан сездики, энди асосий масалага ўтилади.

— Гап шу! — столни пашша ўлдириш услубида қаттиқ шапатилади бошлиқ. — Янги бюллетен шундай тайёрланиши керакки, унда тулкининг инидагидек қирқта туйнук бўлсин. Бирон-бир жойда офтоб чиқсаям, чиқмасаям, тош ёғсаям, ёғмасаям, маълумотларимизга шундоққина мос келиши шарт.

Бу сўзлар барчага тааллуқли эса-да, бошлиқ кўзини нуқул унга камалаклаб гапирганидан тегишли хулоса чиқариб олган Тоштемиров шумшайган кўйи: "Хўп бўлади", — деб минғирлаб қўйди.

— Қани, фикрлар бўлса, эшитайлик, — атрофдагиларга қиялади бошлиқ.

Биринчи қаторда мазкур муассасага деярли тенгдош бўлган уч нафар туллак ходим — Чамаев, Таваккалов ва Фолчиевлар ўтиришарди. Фолчиев ва Таваккалов ёши андак улуғроқ бўлган Чамаевга маънодор кўз ташлашди. Чамаев тепакал бошидаги уч яримта сочни авайлаб силаб қўйгач, жангдан чарчаб қайтган саркардаларга хос мудроқ қиёфада дўриллади:

— Томдаги флюгернинг тумшуғи уч кундан бери ғарбга қараб турибди. Шунга асосланиб айтиш мумкинки, шамол сурункали равишда унинг думи томонга эсмоқда...

— Флюгерни ҳозирча тинч қўйайлик, — унинг сўзини бўлди бошлиқ. — Хўш, маънилироқ гап айтадиган одам борми?

Бошлиқнинг кўнглидагини ғиззо пайқаб етган Таваккалов чайналиб ўтирмай, гапни лўндасидан бошлади:

— Маҳаллий мирзатеракларнинг барги бу йил тепасидан тўкилиб боряпти. Демак, қиш қаттиқ келади. Кўшним Жуман боққолнинг фикриям шу. Айтмоқчиманки, янги маълумотда ҳавонинг исиши ҳақида камроқ башорат қилганимиз маъқул.

Касбдошининг гапи бошлиққа ёқимсиз-рагани Чамаевнинг ғашини келтирди. Уч яримта сочи тиккайгудек бўлиб, дарҳол қарши ҳужумга ўтди.

— Растани болам, бозорни олам, дейдиган хумбош Жуман боққолни фанга тиқиштириб нима қиласиз. Кеча автобусда ишга келаётсам, кўзидан фаросат ёғилиб турган оқсоқол далада бир жуфт лайлакни ўз кўзи билан кўрганини айтиб қолди. Лайлакки шу пайтгача учиб кетмаган экан, совуқ кеч тушади.

Рақиб ҳам бўш келадиганлардан эмасди.

— Бемаъни гап! — қатъий эътироз билдирди Таваккалов. — Иккита пандавақи лайлакнинг ҳануз далада юриши ташкилотимизга қимматга тушиши мумкин. Барчамизга маълумки, олақарғанинг шамоли шитобли ўтди. Бу — намгарчилик кўп бўлади дегани. Шундай экан, ҳавонинг совиш эҳтимоли борлигига нега ишонмаслигимиз керак?

Иккала ходим ўртасида тортишув бошланди. Бири қурбақалар кейинги кунларда ҳовуздан чиқмай қўйишганини пеш қилса, бошқаси чумолилар ҳамон инидан узоқлаб юрганини айтиб, ўзининг ҳақ эканини исботлашга тиришарди.

— Майда гапларни бас қилсаларинг-чи, оғайнилар, — бахсчиларга насиҳатомуз сўз қотди Фолчиев. — Балки, икковларингни гапларингдаям маълум даражада жон бордир. Лекин аниқ-тиниқ фикр билдиришга ҳали сал эрта эмасмикин?

— Хўш, хўш! — бирдан зийракланди бошлиқ.

— Жичча сабр қилсак, эрта-индин қийғираклар ўтади, — дам бошлиққа, дам теваракдагиларга боқиб, сўзлашда давом этди Фолчиев. — Агар қийғираклар қибладан эсган шамол билан учиб келишса, совуқ эртароқ тушиши аниқ. Мабодо, тескари шамол билан келишса...

Қиттай кеч бўлса ҳам, ишни пишиқ-пухта қилганга нима етсин. Хуллас, бюллетен қийғиракнинг шамолидан кейин тайёрланадиган бўлди.

Ҳа, синоптикларнинг иши жуда нозик, ўта мураккаб! Буни билган билади.

Анвар ОБИДЖОН.

Одамнинг феъли қизиқ, бирор юмушни бажаришга киришса, кайфиятига аҳамият беради. Ҳаётда ҳар бир киши ўзининг ўрганиш усулига эга. Инсонлар бир юмушга ёки ишга ўзларининг қобилиятларига кўра ёндашадилар ва ўзларига ёққан ишни қобилиятлари даражасига қараб бажарадилар.

Баъзи кишилар, асосан, кўзлари орқали ўрганадилар. Улар визуалистлар деб аталади. Бошқалари эса қулоқлари орқали ўрганадилар, уларни аудиалистлар дейишади. Яна бир турдаги инсонлар бор. Бундайларни кинэстетик ўрганувчилар деб аташади.

Сиз ўзингизни қайси сафга қўшган бўлардингиз? Қуйида ўрганиш усулларига қараб бир-биридан фарқланадиган кишилар ҳақида аниқроқ маълумотлар берилган.

Руҳият сирлари

Визуалистларнинг фикрича, расмларга қараб ёки турли хил кўриш орқали маълумот олинадиган ёки ўрганиладиган воситалар (диаграммалар, иллюстратив китоблар, видео ва тарқатмалар) маълум бир нарса ҳамда воқеа-ҳодисани узоқ вақт ёдда сақлай олишлари учун катта ёрдам берадилар.

Аудиалистик қобилиятга эга кишилар маълум бир воқеа-ҳодиса, нарса, шахс ҳақидаги маълумотларни эшитиш орқали ўз хотираларида мустаҳкам сақлаб қоладилар. Қулоқ орқали олинадиган маълумотлар улар учун самаралироқдир. Аудиалистлар учун энг тажрибали ва самарали воситалар — лекция, мунозара-муҳокама ва ён-атрофдаги кишилар билан бўладиган суҳбатлардир. Бу қобилиятга эга бўлган кишилар кўпроқ бирор матнни овоз чиқариб ўқиш ёки магнитофондан эшитиш ёрдамида ўрганадилар. Агар улар тил ўрганаётган бўлсалар, дебат ва мунозараларда иштирок этиш, нутқ ва тақдимотлар қилиш фойда беради. Матнни овоз чиқариб ўқиш, шеърий байтлар, қофиялар тузиш ва уни куйга солиб айтиш ҳам янги сўзларни ёдда сақлаб қолишга катта ёрдам беради. Бундан ташқари, янги ўрганаётган тилингизда фильм кўриш ва қўшиқ тинглашнинг ҳам фойдаси кўп.

Тажрибада синаб кўришга интилиш, мақсад сари ҳаракат қилиш, юз берадиган воқеани бошидан ўтказиш кинэстетикларга хос хусусиятдир. Улар бирор нарсани ушлаб кўриш, атрофидаги дунёни ўрганиб чиқиш ёки маълум бир воқеа-ҳодисада иштирок этиш орқали тажрибага эга бўлиб борадилар. Энг қизиғи, бу уларнинг хотираларида мустаҳкам сақланиб қолади. Улар бирор нарсани ўрганиб чиқиш учун кўп вақт сарфлайдилар, фойдали томони, ҳар бир нарсани синчиклаб ўрганишга мойилликларидадир. Бир вақтнинг ўзида бирдан ортиқ машғулот билан шуғуллана оладилар. Кинэстетикларда ирода ҳам жуда мустаҳкам бўлади. Улар ҳар қандай қийинчиликка чидай оладилар. Вақтни жуда қадрлайдилар.

Турсунали МАҲКАМОВ,
Жаҳон Иқтисодиёти ва дипломатия университети талабаси.

МАСЛАҲАТ

Қўлар исигани сари оёқ ёрилишлари кўп учрайди. Бу ҳолат қуриб, қовжираш сабаби юз беради. Унинг даволаш усуллари узоқ вақт оёқни иссиқ сувга солиш, ўсимлик ва ҳайвон ёғлари ҳамда мум билан бир оз қуюлтирилган илиқ ёғини суртиб кеткази кабилардир. Шунингдек, қоракунжут ёғи суртиш ҳам яхши натижа беради. Думба ёғини оловга тутиб томизса ҳам бўлади. Яна унга исириқ қайнатмаси билан қориштирилган хина яхши. Узум шираси ҳам шундай хусусиятга эга. Ўсимлик ва чарви ёғлари билан эзилган қунжут елими суриш керак. Ёки тўқай пиёзининг ичини олиб, зайтун ёғида қайнатилади ва бунда сақични эритиб ёрилган жойларга қўйилади. Зайтун қўшилган сақичнинг ўзи ҳам гоятда фойдалидир.

Гулноз ОЛТИБОЕВА.

ЯҚИН ШАРҚДА ВАЗИЯТ ОҒИРЛИГИЧА ҚОЛМОҚДА

Фаластин мухториятида ХАМАС ва ФАТХ гуруҳлари тарафдорлари ўртасида отишмалар давом этмоқда. Хориж оммавий ахборот воситалари тарқатган хабарларда айтилишича, Ғазо ҳудудида бўлиб ўтган охирги тўқнашувлар натижасида беш нафар фаластинлик ўлдирилган, бир нафари ярадор бўлган.

Жумладан, Хан-Юнис шаҳри яқинида ФАТХ гуруҳининг икки нафар етакчиси ибодат даврида ўлдириб кетилган. Оиласи билан кетаётган ХАМАС етакчиларидан бирининг машинаси эса ўққа тутилган, оқибатда унинг хотини ва укаси ҳаётдан кўз юмган, ўзи оғир жароҳат олган.

Эслатиб ўтамиз, мухториятдаги икки йирик гуруҳлар ўртасидаги тўқнашувлар натижасида охирги ой мобайнида ўн беш нафардан ортиқ фуқаро вафот этган, ўнлаб фуқаролар эса ярадор бўлишган.

Шунингдек, хабарларда ХАМАС гуруҳининг қуролланган қисмлари Ғазо ҳудудининг жанубида жойлашган Хан-Юнис шаҳридаги Фаластин миллий мухторияти телевидениеси биносини эгаллашган, таҳририят материаллари ва техник анжомлар йўқ қилинган. Улар журналистларни ФАТХ гуруҳи раҳбари Маҳмуд Аббос манфаатларини кўзлаб, ахборот тарқатаётганликда айблашган.

Исроил бош вазири Эҳуд Олмерт Яқин Шарқда юзага келган оғир вазиятдан чиқиш йўлларини қидириш мақсадида мухториятнинг раҳбари Маҳмуд Аббос билан учрашишга тайёр эканлигини маълум қилган. Аммо учрашув вақти ва жойи ҳозирча номаълум. Бундан олдин Исроил бош вазири Шарм аш-Шайх шаҳрида Миср президенти Ҳусни Муборак билан шу мавзуда музокаралар олиб борганди.

СПИКЕР СЕНАТОР ИСТЕЪФОСИНИ ТАЛАБ ҚИЛМОҚДА

Россия Федерация Кенгаши спикери Сергей Миронов Калмикия парламентидан унинг вакили, сенатор Левон Чахмахчяннинг ваколатини тугатишни талаб қилмоқда. Бу ҳақдаги тақдимнома парламентга жўнатилган.

Россия матбуотида ёзилишича, сенатор коррупцион жанжалга алоқадор бўлган. Махсус хизматларда йирик мансабдорлар Россия Ҳисоб палатаси томонидан текширувлар давомида аниқланган камчиликларни бекитиш учун катта миқдорда пора олишган. Гумонланувчилар орасида сенатор Левон Чахмахчян ҳам бўлган. 2 июн куни ўтказилган махсус операция натижасида сенаторнинг портфелидан 300 минг АҚШ доллари топилган. Маълум қилинишича, поранинг умумий миқдори 1,5 миллион долларни ташкил қилган. Пулнинг қолган қисми банк орқали ўтказилиши керак бўлган.

«Албатта, бу каби ҳолатлар Федерация Кенгаши манфаатларига путур етказади», — деган Кенгаш спикери Сергей Миронов. «Аммо ошкоралик учун бу ишларни қилиш керак», — таъкидлаган у. Федерация Кенгаши бир ой мобайнида юқори палата аъзоларидан тўрт нафарини истеъфога чиқарган.

ҚРИМ АҲОЛИСИ ҲАРБИЙ МАШҒУЛОТЛАРГА ҚАРШИ

Қримдаги вазият чигаллигича қолмоқда. Украина президенти Виктор Юшенко Олий Рада тасдиғини кутмасдан, НАТО билан ҳамкорликда ҳарбий машғулотлар ўтказиш ҳақида фармон чиқарди. Тадбир 14 июнда ўтказилиши режалаштирилган.

Аммо маҳаллий аҳоли тўққиз кундан бери бу машғулотларнинг ўтказилишига қарши чиқиб, Феодосия марказидаги майдонда норозилик намойишлари уюштирмоқда. Маҳаллий аҳоли Эски Қрим полигонини ўраб олган.

Фармоннинг иккинчи банди асосида норозилик намойишларида иштирок этаётган чет эл фуқароларининг Украинадан чиқариб юборилиши белгиланган.

Қрим парламенти ҳам ярим орол ҳудудида ҳарбий машғулотларнинг ўтказилишига қарши фикр билдирган. Депутатларнинг айтишича, «Украина мудофаа вазирининг ўйланмаган ҳаракатлари» вазиятнинг чигаллашишига сабаб бўлган.

11 НАФАР ТАЛАБА ЎЛДИРИЛДИ

Душанба куни Бағдод жанубида экстремистларнинг амалга оширган ҳужуми натижасида 11 нафар ироқлик талаба ўлдирилган. Бу ҳақда Ироқ Ички ишлар вазирлиги берган баёнотда маълум қилинади.

«Техника йўналиши бўйича таълим олаётган талабалар микроавтобусда университетдан қайтаётган вақтларида унинг йўлини қўпорувчилар тўсишган, — дейилади баёнотда. — Улар талабаларни автобусдан чиқишга мажбур қилишган. Шундан сўнг талабаларга қарата ўқ отишган».

Ўтган якшанба куни ҳам аксарияти талабалар бўлган 20 нафар одам пойтахт шимолида жойлашган Дияла ҳудудида шунга ўхшаш ҳолатларда ўлдирилган.

Бағдодда қотиллик билан бирга, оммавий равишда одам ўғирлаш ҳоллари ҳам кузатилмоқда. Душанба куни маҳаллий транспорт компаниясининг деярли 50 нафар ходими ўғирлаб кетилган. Хориж оммавий ахборот воситалари хабарларида бу ҳолат мамлакатдаги сиёсий тарқоқлик натижасида юзага келганлиги қайд этилмоқда.

ШЕР ҒАЖИБ ТАШЛАДИ

Киев ҳайвонот боғида шундай ҳодиса юз берди.

Маълум бўлишича, вафот этган бу шахс 45 ёшли озарбайжон миллатига мансуб Украина фуқароси бўлган.

«У олдин ҳам йиртқич ҳайвонлар сақланадиган ҳандақ олдида кўп марта кузатилган, уларнинг нимага қизиқиши ҳақида сўраб-суриштирган, — дейди ҳайвонот боғи директори Е.Кирилюк. — Фожеа куни у ҳандақ ёнида ибодатга ўхшаш амалларни бажариб, ип ёрдамида унинг ичига тушган. Бақир-чақир, огоҳлантиришларга қарамасдан, шерлар тўдасига яқинлашган. Шунда она шерлардан бири унга ташланиб, бўйин қисмидан тишлаган. Яъни, бундан бу одам қасддан ўзини ўзи ўлдирмоқчи бўлган, деган хулосага келишимиз мумкин», — дея маълум қилган директор.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди

Муассис: «Миллий тикланиш» демократик партияси

MILLIY TIKLANISH — Миллий тикланиш — миллат келажаги

Таҳрир ҳайъати

ТЕЛЕФОНЛАР:
Қабулхона — 133-67-51
Бўлимлар — 136-58-80
136-56-29
Реклама ва эълонлар бўлими — 136-58-73

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

Газета таҳририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.
Саҳифаловчи: Шерзод ҲАЙИТМУРОДОВ
Босишга топшириш вақти 20.00
Нашр кўрсаткичи — 158

Газета 014-рақам билан рўйхатдан ўтган.
Буюртма: Г — 823.
Ҳажми 2 босма табоқ.
Адади 2108
Сотувда эркин нархда

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Манзил: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Босишга топширилди 20.00